



# Ishonch

Мен ҳақиқатнинг кучига ишонаман. Унинг шуъласида гумон ва шубҳалар соядай ғойиб бўлиб кетади.  
**ОЙБЕК**

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



## Ўзига хос услуб

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани сингари Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида ҳам болалар таълимига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.  
Шаҳардаги 18- умумтаълим мактаби рус гуруҳи ўқитувчиси Роза Даштоян ҳам бугунги кунда турли миллат вакиллари билан иборат ўқувчиларни давлат тилига қизиқишини ошириш йўлида ўзига хос услубни қўллаб келаёпти. У дарсларда ноанъанавий усулдан кенг фойдаланиб, ижобий натижаларни қўлга киритмоқда. Ташаббускор, изланувчан ёш педагогдан ота-оналар мамнун.  
**Икром ҲАСАНОВ** олган сурат

## ЭКСПОРТ — барқарорлик кафолати

Иқтисодий кудрат — маҳсулот сифати, қолаверса, унинг бозорда тугган ўрнига боғлиқ.  
Таъкидлаш жоиз, оғир учун маҳсулот чикарадиган замонлар ўтди. Бугун қилинган ҳар бир ҳаракат баҳосини бозор белгилаётди. Рақобат — ҳолис синон, ирода, маҳорат имтиҳони. Бу жараёнда тўдага от солганлар кўп бўлди.

Аммо улоқни фақат марду майдонларгина илиб чиқади. Эътирофли жиҳати шундаки, иқтисодий ислохотлар, корхоналарни қайта жиҳозлаш, модернизация самараси ўлароқ ана шундай бахсларда тобланганлар сафи тобора кўпаймоқда. Аксарият корхоналар эшигини ақин ва олдидаги мижозлар черта бошлади. Мавзудан чекинмаган ҳолда бир мисол. Самарқанд вилоятида ўтган йили 4,6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 24,2 фоизга юксалди. Рақамлардан кўриниб турибдики, интилишлар бесамар эмас. Эндиликда мавжуд саноат корхоналари қувватини ошириш ҳамда фаолиятини яхшилаш эвазига ўтган йилга нисбатан 196,0 миллиард сўм кўп маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган.  
Бирлашган Араб Амирликлари ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган «Мароқанд силк» кўшма корхонаси ҳам истиқбол сари дадил интилаётган жамоалардан

бири. Пиллани қайта ишлашга мўлжалланган корхона соҳада туб бурилишлар ясагача интилоқда. Корхонада жонлангирланган серурум, касаликларга чидамли уруғликнинг фермерларга етказиб берилиши улар кўтарайтган хирмон салмоғини оширишга омил бўлаётди.  
Ўтган йили Оқдарё, Нарпай ва Тошлоқ сингари бир қатор туманлардан 200 тонна маҳсулот қабул қилиниб, қайта ишланди. Замонавий агротехникалар мўжизаси боис тайёр маҳсулот бозорда ўз ўрнини топди. Натижада, 2 миллион доллар миқдоридagi маҳсулот экспорт қилинди. Соҳа мутасаддилари бу ташаббусни жонлангир, бозор гегемонларидан бири бўлиш тарадудини кўришяпти.  
Бозор кимнинг нимага қодирлигини бир зумда кўрсатиб қўяди. Тоғ-кон, металлургия саноати, бургулаш-пармалаш ускуналарини тайёрлашга ихтисослашган «Самарқанд бургу асбоблари» очик турдаги хиссадорлик жамияти ҳам янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва мавжуд инжениерлардан самарали фойдаланиш эвазига иқтисодий кудратини ошириб келди. Тайёр маҳсулот сифати яхшиланиб, салмоғи ортди. Биргина ўтган йилда 189500 долларлик бургулаш асбоблари экспорт қилинди.  
Экспорт — молиявий барқарорлик кафолати. Бунга эришиш ҳар кимнинг ўз ҳаракатига боғлиқ.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

## Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Файзиободлик Қодирхон бобонинг ўгли Рустам янги турар-жой қурди. Бир иморатки, кўриб ҳавасинг келади. Ҳаммаси пишиқ гиштдан, яшаш учун барча қулайликлар бор.

## Давлат дастури амалда

пишиқ гиштдан умрбоқий иморатлар

Оила аъзолари қурилиш материаллари излаб узоққа борганлари йўқ. Пишиқ гиштни қўшни Қоратепа қишлоғидаги «1-комплекс лойиҳа қурилиш ва монтаж» хусусий корхонасидан келтиришди.  
Дарҳақиқат, Қоратепада бир кеча-кундузда 20 минг донагача пишиқ гишт тайёрлайдиган, замонавий технологиялар билан жиҳозланган мўжизаси на мажмуа фойдаланишга топширилганлиги қишлоқ аҳли учун жуда қўл келди.  
Ушбу тумандаги яна бир «Мукамал темир-бетон сервис» жамоаси ишлаб чиқараётган пишиқ гишт, деворбоп материаллар, металл конструкциялар аҳоли эътиборини қондираётди.  
— Моддий фаровонлик — яхши турмушнинг пойдевори, — дейди «Нуроний» жамағатаси вилоят бўлими раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибни Анвар Иноятов. — Паҳса ва гувала уйлардан воз кечиш пайти аллақачон етиб келди. Юртбошимиз айтганларидек, «Ўзбекнинг ҳар бир авлоди уй қуриш ташвиши билан яшамасин. Пишиқ гиштдан шундай уйлар қурайликки, унда камидат тўрт-беш авлод яшасин.

Қақшадарнинг қишлоқ жойларида замонавий гишт заводлари барпо қилинаётганлиги қурилиш индустриясини модернизациялаш ва техник қайта қурилганлигидан далолат беради. Вилоят статистика бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, бир йилда воҳа бўйича 113,6 миллион дона пишиқ гишт ишлаб чиқарилмоқда. Бултур корхоналар томонидан 18 минг квадрат метр, аҳоли маблағлари эвазига 770 минг квадрат метр уй-жой қурилганлигининг ўзиёқ бунёдкорлик кўламини тасаввур қилиш учун

етарлидир.  
Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ташаббуси билан Хитойга уюштирилган сафарлар чоғида қурилиш ва қурилиш индустрияси билан шуғулланаётган тадбиркорлар томонидан шартномалар тузилиб, 10 та гишт заводи келтирилди.  
Китоб туманидаги «Рислинг-стар» масъулияти чекланган жамияти Қуйи Оқбой қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қусам қишлоғида соатига 10 минг дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга ихчам технологияни ишга туширди. Шунингдек, жамоа Матмон қишлоғида бунёд этилган мактаб ва Варганзадаги касб-хунар коллежи қурилишини ҳам сифатли маҳсулотлари билан таъминлади.  
Тумандаги Хайрабод қишлоғида фойдаланишга топширилган «Хайрабод сервис» масъулияти чекланган жамияти эса йил давомида буюртмачи ташкилотлар ва аҳолига 20 миллион дона гишт етказиб бераётди...

Вилоят иқтисодийёт бошқармаси маълумотларига кўра, жорий йил 15 миллиард 357 миллион сўмлик инвестиция киритилиб, 400 та саноат корхонаси ташкил этилади ва 3762 та янги иш ўрни яратилади. Жуылдан, 93 та қурилиш ашёлари ишлаб чиқарадиган корхона фойдаланишга топширилади. Шунингдек, Қарши шаҳри, Китоб, Қарши ва Чироқчи туманларида пишиқ гишт, шифер, асфальт-бетон, дераза ромлари ва эшиклар, мрамор плиталар ҳамда бошқа қурилиш материаллари тайёрлайдиган корхоналар қад ростилади.  
2012 йилга қадар қурилиш индустрияси учун зарур ашёлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган 12 та йирик лойиҳа

амалга оширилиши кўзда тутилган. «Шўртангазим» мажмуасига қарашли пластмасса том ёпқичлари етказиб берадиган, Китоб туманида қурилиш бўри тайёрлайдиган «Калыпт-ста» масъулияти чекланган жамияти, Ғузорда деворбоп конструкциялар ишлаб чиқарадиган «Уста тадбиркор» хусусий корхонаси, «Шаҳрисабз-автойў» норуда материаллари тайёрлайдиган масъулияти чекланган жамияти ишга туширилади.  
Умуман, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига биноан, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, бош режага мувофиқ қайта қуриш амалга оширилади. Табиий иқлим ва миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда юзга яқин аҳоли пунктларининг лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Бунда, аввало, магистрал йўллар атрофларида паҳсад қурилган уй-жойларни янгилаш, қуримсиз иморатлар қиёфасини тубдан ўзгартиришга биринчи навбатда эътибор қаратилади.  
Жорий йилда вилоятда 135 миллион дона гишт ишлаб чиқарилиб, унинг 53,5 миллион донаси яқка тартибдаги уй-жой қурилишларида фойдаланилади. Ҳар бир туманда маҳсуот қурилиш ташкилотлари ташкил этилиб, уй-жойлар бунёд этиш билан шуғулланади.

Қарши туманининг Бешкент қишлоғига борганимизда уста Жўра бобони учратиб қолдик. Отаҳон қаергадир шодик бўлган экан.  
— Йўл бўлсин? — сўрадик кекса устадан.  
— Сафарбой ҳовли тўйи ўтказаяпти, шунга бораёпман, — деди отаҳон фахрланиб. — Гиштини ўзим торганман.  
Ҳовли тўйлари кўпаяверсин.

**Иззат ҲИҚМАТОВ,**  
«Ishonch» мухбири



Таллимаржон шаҳрида ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган муҳташам иморат қад ростлади.

## Янги мажмуа

Маҳаллий тадбиркор Қўзибой Тўраев барпо этган мажмуада чойхона, тўйхона, тикувчилик цехи, гўзаллик салони, савдо ва бошқа сервис шохобчалари ўрин олган.  
Шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Нусрат Раҳимованинг таъкидлашича, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида ҳозирга қадар ўндан ортик хизмат кўрсатиш тармоқлари фойдаланишга топширилиб, юздан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Ўз мухбиримиз

Марғилон шаҳридаги 1-иқтидорли болалар мактабида уруш қатнашчилари Холматжон Алиев ва Зокиржон Ғофуров билан учрашув бўлиб ўтди. Фахрийлар босиб ўтган шонли ва машаққатли ҳаёт йўллари ҳақида ўқувчиларга ҳаяжон билан сўзлаб беришди.  
— Урушнинг номи ўчсин. Уни биз кўрдик, авлодларимиз кўрмасин! — деди Холматжон ота ёшларга. — Истиклолимиз абадий бўлсин!  
Уруш қатнашчилари ўқувчиларни оталар жасоратига содиқ, ватанпарвар ўғлонлар бўлишга даъват этдилар.

## Фахрийлар эъзозда

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

Бухоро вилоятида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

## Бокс маркази

«Дилқушо» спорт мажмуасида янги бокс маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. 400 томошабин ўрнига эга бўлган марказдаги ринг жаҳон андозаларига тўла жавоб беради. Бу ерда ёшлар ва тажрибали «чарм қўлоқ» усталарининг мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар мўжайё.  
Марказда мини футбол, енгил атлетика, сузиш ҳавзалари ҳам бунёд этиш кўзда тутилган.

## Тараққиёт ва фаровонлик манзаралари

Сирдарё вилоят «Маънавият ва маърифат маркази»да олий ўқув юртлири, шунингдек, касб-хунар коллежларининг битирувчилари иштирокида ихтисослашган бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил қилинди. Унда вилоят маркази ҳамда шаҳар ва туманлардаги 120 дан ортик корхона, ташкилот ва муассасалар 750 та бўш иш ўринлари билан қатнашди.

## Ишли одам — кучли одам

Ўзига хос меҳнат бозоридан иш билан банд бўлмаган аҳолининг 2 минг нафардан зиёд вақили мавжуд иш ўринлари билан танишиш имконига эга бўлди. Пировард натижада, 537 нафар иш изловчига йўлнамалар берилди. Вилоятдаги касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 140 нафари ўқини тугатганларидан сўнг ишга жойлаштирилган тўғрисидаги шартномаларни имзолашди.  
Бундан ташқари, 115 нафар киши касб тайёрларлигига юборилди. 155 киши эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига сафарбар қилинди.  
Гулистон Давлат университети

нинг табиатшунослик факультети кимё бўлими битирувчиси Нурияҳон Сафоевани бўш иш ўринлари бозорида бениҳоя хурсанд ҳолда учратдик. Сабоби шундаки, у «Сарбонтёкс» кўшма корхонасининг маъмурияти билан шартнома тузди. Энди у корхона таҳлилхонасида иш бошлайди.  
Дарвоқе, Ўзбекистон-Испания ўртасида ташкил этилган

«Сарбонтёкс» кўшма корхонаси энг кўп иш ўринлари ташкил қилган корхоналар сафида қарвонбоши эканлигини кўрсатди. Ховос туманидаги «Гулбахор» қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи эса 15 нафар ёш йигит-қиз билан ишга жойлаштириш тўғрисида ўзаро шартнома имзолади.  
**Пиримқул ДУСТМАМАТОВ,**  
«Ishonch» мухбири

## Йилда уч марта ҳосил

Тақдирини замин билан боғлаган, шу тупроққа меҳрини бериб, оиласини боқаятган, эл-юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган фидойи бобо дехқонларга ортиқча таърифнинг ҳоҳати йўқ.

Ана шундайлардан бири бундан бир неча йил олдин Самарқанд туманида «Оригинал макс-люкс» фермер хўжалигига асос солиб, яхши ният билан иш бошлаган Бехруз Ҳақбердиевдир. У «Ташаббус — 2009» қўриқ-танловининг вилоят босқичида «Энг яхши фермер» йўналишида голибликни қўлга киритди.  
20 турдан ортик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, ердан йилига уч мартаба ҳосил олишни йўлга қўйган фермер қайта ишлаш корхонасини ҳам ишга туширди. Бу ерда тайёрланган томат пасталари харидорлиги билан алоҳида ажралиб туради.  
— Ерга меҳр берсанг, у сени тўйдирди, кийинтиради. Мана, меҳнат қилиб кам бўлмадик. «Ташаббус» қўриқ-танлови эса янада ғайрат билан ишлашимизга ёрдам беради, — дейди фермер Бехруз Ҳақбердиев.  
**Орагул РУСТАМОВА,**  
«Ishonch» мухбири

## Кўнглимиздагидек уй экан...

— Биз аввал шаҳарнинг Ватанпарвар кўчасидаги кўп қаватли уйда яшардик. Ўтган йилнинг июл ойида Когонда содир бўлган бахтсиз ҳодиса туфайли жиддий зарар кўрдик, — дейди меҳнат фахрийси Обид Камолов. — Янги уйдан бизга уч хонали квартира берилди. У ҳар жиҳатдан қулай ва шонли бўлиб, яшаш учун барча шароитлар мавжуд. Фарзандларимиз ҳам ёнгинамизда жойлашган мактабга қатнашяпти. Бундай гамқўрлик учун миннатдорчилик изҳор этамиз.

**Иззатулла ХОЖИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

# Суянса, тоғмиз биз

Кибрай туманида 168 минг 300 нафар киши истиқомат қилади. Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган ер майдони 116 гектар. Худудимизда 40 та қўшма корхона мавжуд. Шундан 38 тасида қишлоқ ҳўжалик махсусотлари, қурилиш моллари, уй жиҳозлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда.

Тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг сони бугунги кунда 760 тага етди. Халқ банки, Саноат қурилиш банки ва Алп Жамол банкларининг туман филиаллари тадбиркорларга, фермер ҳўжалиқларига фаолиятларини ривожлантириш учун кредит беришапти. Жумладан, «Хамидулла Қудрат ота», «Байтўрғон Фулом Исом Файз» фермер ҳўжалиқлари иссиқхона учун, «Кибрай Файзулла» боғи фермер ҳўжалиги техника сотиб олиш мақсадида кредит олиб, ишларини йўлга қўйилди.

Ўтган йил зафарларга бой бўлди. Бунда бевосита касабаси уюшманинг ҳам ўрни бор. Туман кенгаши таркибидан 33 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларнинг ҳар бирида иш бевуви ва касабакўм ўртасида жамоа шартномалари имзоланган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларда меҳнат аҳлининг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда ижтимоий химояси тўла кафолатланган.

Кўнгли оғримаса, ҳуқуқлари топталмаса, ҳеч ким арз қилиб бирор эшикка бормади. Буни тушуна бўлади. Шунинг учун ҳам аъзоларнинг мунозаатларини ўз вақтида ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Масалан, туман МТПси ишчилари А.Толипов, В.Жаъфаров, М.Мирзааҳмедов касб касаллиги нафақасини ўз вақтида олмаётгани учун ёрдам сўрашганда, аралашувимиз билан масала ечимини топди.

Замон билан ҳамнафас бўлиш кўннинг долзарб ва-

зифасидир. Бошқа соҳаларда бўлгани каби касабаси уюшма тизимида ҳам ўзгаришлар, янгиликлар бир талай. Бу эса билим ва тажрибамизни муттасил ошириб боришни тақозо қилади. Бунда таянч касабаси уюшма ташкилотлари раислари ўқуви яхши самара берапти. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан қишлоқ аёллари ўртасида ўтказилган волейбол мусобақаси учун 350 минг сўм маблағ сарфланди.

Ишчи соғлом бўлса руҳи тетик, иши унумли бўлади. Ўтган йилда 22 нафар ходим «Ибн Сино» ва «Умид гулшани» санаторийларида саломатликларини тиклади. Бир ёш оила эса «Умид гулшани» сихатгоҳига имтиёзли йўлланма олди. Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилиб, кам таъминланган оила фарзандлари ҳам назардан четда қолаётгани йўқ. Уларга 155 минг сўмлик совғалар тарқатилди. Коллеж ва лицейда ўқийдиган талабаларга пойфазал олиб берилди. Қишлоқ ҳўжалиги, Агротижорат касб-ҳунар коллежлари ҳамда Қибрай академик лицейида ўтказилган спорт мусобақалари учун 172 минг сўм харажат қилинди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 50 нафар фарзандига ўқув қуроллари ҳамда дарсликлар олиб берилди. Бундан ташқари, кўмакка муҳтожларга 322 минг сўм, 8 та корхонада ишлайдиган 10 нафар аёлга моддий ёрдам



Кўрсатилди.

Аъзолик афзаллиги юзасидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларимиз ўз самарасини бери бошлади. Хусусан, 2008 йили «Салар Саховат» агрофирмаси, «Маданият агробизнес» МЧЖ, «Мусамухамедов агробизнес» МЧЖ, Қибрай «Агрокомплекс» фермер ҳўжалиги, «Байтўрғон келажаги» ММТП, «Байтўрғон оби ҳаёти» СФУ, «Фулом Исом Файз» ҳамда «Холдор Обидов» фермер ҳўжалиқлари, Қибрай «Омухта ем сотиш бирлашмаси» ва «Элдор» хусусий фирмалари жамоалари аъзоликка жалб этилди.

**Ўткир РАЗЗОҚОВ,**  
Кибрай туман  
агросаноат  
мажмуи ходимлари  
касбаси уюшма  
кенгаши раиси

Жумладан, касабаси уюшмаси ва маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасига биноан кам таъминланган, ота-онасиз, иқтидорли талабаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Шу билан бир қаторда, уларнинг ҳолидан мунтазам ҳабардор бўлиш учун мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Биргина ўтган йилда кам таъминланган талабаларга 2.947 минг сўм, иқтидорли талабаларга эса 1.800 минг сўм миқдорда маблағ ажратилгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Бундан ташқари, талабаларнинг бўш вақтларини маъмурият ўтказиш мақсадида спорт хоналарини ташкил этиш ва уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Митрафанов номидаги ёпиқ сузиш ҳавзасига йўлланма харид қилиш учун маблағ ажратилди.

Халқимиз ардоғидаги

санъаткорлар билан учрашувлар ҳам талабаларга манзур бўлмоқда. «Ешлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимияти «Маънавият ва марифат» маркази билан ҳамкорликда эл севган санъаткорлар Мурод Ражабов, Лутфулла Саъдуллаев, Гулнеҳра Саъдуллаева билан ўтказилган мулоқотлар шулар жумласидан. Талабалар турар-жойларида буюк мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишлаб шеърхонлик кечалари уюштирилди. Бу тадбирларга таниқли санъаткорлар — Рихис Иброҳимова, Саидмурод Саидқаримов, Толиб Мўминов, Зикир Муҳаммадҷонов, Теша Мўминов ҳамда Омонилла Мадаев, Хамидулла Болтабоев, Қозокбой Йўлдошев каби олимлар тақлиф этилди.

Маълумки, ёзи таътил вақтида талабалар кўнгилли равишда университет қоши-

# Эътибор ортиб бормоқда

да ташкил этилган «Бунёдкор» қурилиш ва ободонлаштириш гуруҳи таркибига қўшилиши. Айтиш жоизки, бу гуруҳ университетнинг 90-йиллик юбилейига муносиб хисса қўшди. Натижада, барча спорт майдонларидан тортиб кўчаларга қайта таъмирланиб, чиройли кўринишга келтирилди.

Талабалар касабаси уюшма кўмитаси раиси, ЎзКУФК Ешлар кенгаши аъзоси ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши Ёшлар кенгашининг масъул котиби Исомжон Хамраев шундай дейди:

— Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоат ташкилотлари, хусусан, касабаси уюшмаларининг ўрни ва роли бекиёвдир. Чунки айнан касабаси уюшмалари меҳнатқашлар, шунингдек, талаба ёшларнинг

ҳуқуқларини химоя қилишда, уларнинг ижтимоий манфаатларини рўйга чиқаришда ўзига хос кучдир. Ўзбекистон Миллий университети талабалар касабаси уюшмаси ёшларимизнинг маънан етук, жисмонан соғлом ва руҳан тетик бўлишлари учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

**Аҳмад ЭРГАШЕВ,**  
ЎЗМУ талабаси



## Маъмурият ва касабаси уюшма ҳамкорлиги



# Манзиллар чоргайди...

Халилқоллар оиласини темирйўлчилар сулоласи дейишди. Файзулла ака ва унинг турмуш ўртоғи Матлуба опа соҳада ўттиз йилдан буён самарали меҳнат қилиб келишди. Угиллари Шухратжон ҳам улар сафига қўшилган. Ёшлик шикоятли билан меҳнат қилиб чарчамайди у. Шунинг учун ҳам жамоада ўз ўрнини топиб, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб бормоқда.

«Ўзбекистон темирйўллари» Давлат акциядорлик темирйўл компаниясининг Жиззах темирйўл бекати жамоасида ёшларга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Акмалжон Абдурахмонов ана шундай ёшлардан бири. У бекатда вагон тузувчи бўлиб хизмат қилади. Яқинда унинг ҳаётида унутилмас кун — никоҳ тўйи тантаналари бўлиб ўтди. Тўйга бошланғич касабаси уюшмаси ҳамда маъмурият раҳбарлари бош-қош бўлишди. Кўвнинг отаси Шодмон ака ҳам темирйўлчи эмасми, ҳурмат-эҳтиром икки хисса бўлди. Касабакўм раиси оила аъзоларини шодёна билан табриқлар экан, «Биздан тўёна бўлсин», дея Шодмон аканинг қўлига сихатгоҳга йўлланма тутқазди.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш бошланғич касабаси уюшма ташкилотининг доимий эътиборида. Ўтган йили саккиз нафар темирйўлчи мамлакатимиздаги турли сихатгоҳларда бўлишди. Ишчи-хизматчиларнинг ўттиздан зиёд фарзандлари шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда имтиёзли дам олдирилди.

— Ходимларни жамоа шартномасида белгиланган асосда ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-интеллектуал химоялаш доимо диққат-эътиборимизда, — дейди касабаси уюшма ташкилоти раиси Римма Ибрагимова. — Бунда маъмурият билан ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатганимиз яхши самара бермоқда.

Халқ ҳўжалиги оқларини ташвида мавжуд бешта темир йўл станциялари орасида «Бойтоғ», «Чимкўрғон» станцияларида юқори кўрсаткичларга эришилмапти. Кунига вагонларга орталаётган минглаб тонна ерости қазилма хом ашёлари мамлакатимиз саноат корхоналарига етказилмоқда.

Жиззах темирйўл бекати ўтган йили 100 млн. сўмдан зиёд фойда олди. Ишлаб чиқаришда янги технологияни қўллаш натижасида юклар ва юк тушириш мёёбери 28 соат ўрнига 26,7 соатга қисқартрилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири саналган соҳанинг ажралмас қисми бўлган Жиззах темирйўл бекати жамоаси янги манзиллар сари дадил одимламоқда.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**  
«Ishonch» мухбири

## Ишлаб чиқариш кенгайди

Наманган шаҳридаги «Муштарий Интернационал ЛТД» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонасида жорий йилнинг биринчи чорагида давлат буюртмаси бўйича 224 миллион сўмликдан зиёд хизмат либослари тайёрланди.

Айни кунларда хорижий шериклар билан ҳамкорликда корхонанинг тўрт қаватли ишлаб чиқариш биносидан реконструкция ишлари қизғин давом этмоқда. Реконструкция ҳамда жиҳозлаш ишлари тугагач, бу ерда яна қўшимча икки юз эллик киши иш билан таъминланади.

Суратда: Сайёра Аҳмадҷонова.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат



## Шундайлар бўлмаса агар дунёда

Сурхондарёда 120 та қишлоқ фуқаролар йиғини фаолият кўрсатиб, улар орасида Жарқўрғон туманидаги Пулат Норбоев раислик қилаётган «Сурхон» қишлоқ фуқаролар йиғини ўзига хос алоҳида ўрин тутати. Ушбу ҳудудда 13 та маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган бўлиб, жами 36672 нафар фуқаро яшайди. 7109 ҳўжалик, 8478 оила бир ота, бир онанинг фарзандлари каби аҳил-инок.

бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида амалий ишлар қилинди. Жумладан, «Осиё тараққиёти» банки гранти асосида «Мингчинор», «Имомназар Туронов», «Хўжақишлоқ», «Боймоқли» маҳаллаларига 11 километрлик сув қувурлари тортилди. Қўли очик саховатли фуқаро Сайдулло Қурбо-

ортик иш ўрни яратилди. Худудда шу банкдан, фуқаро Холбиби Тошмуродовага 30 млн. сўм кредит олиб берилди. У ҳудудда савдо хизматини йўлга қўйиб, 5 кишини иш билан таъминлади. Умуман, ўтган йили «Сурхон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 524 та янги иш ўрни очилди. Бу йил эса, 540 та янги иш ўрни очиб режалаштирилган. Хозирги кунда 7 та кам таъминланган оила мининг кредит ҳисобига ўзларининг деҳқон ҳўжалиқларини ривожлантиришмоқда.

Фуқаролар йиғинида кам таъминланган оилаларга алоҳида аҳамият бериб келинмоқ-

хомийлар томонидан рағбатлантирилади. Мазкур фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Михаил Илья қўвончини шундай изоҳлайди.

— Гапнинг очигини айтишда бундан буён, биз оқсоқолга ёлчиганмиз. Пулат ака ўн тўрт йилдан бери бирон кишини ранжитган ёки хафа қилган эмас. У ҳар ерда ва ҳамманинг кўнглига йўл топа оладиган ақли, салоҳиятли инсонлардан. Унга ҳавас қиламиз, қани эди, шундай одамлар янада кўп бўлса, деб орзу қиламиз.

Биз яна бир нарсани

# Меҳр кўриб, меҳр кўрсатиб...

Жарқўрғон туманида Пулат акани «оқсоқол» дейишди. Қарийб ўн тўрт йилдирки, у киши фуқаролар йиғинига раислик қилади. Тагин сиз Пулат Норбоев деганларни, олтимишдан ошиб, етмишга етай деб қолган бир мўйсифид бўлса керак, деб ўйлаётгандирсиз. Асло ундай эмас. Пулат ака Норбоевга қишлоқ фуқаролар йиғини раислигини ишониб топширишганда, у эндигина 32 ёшда эди. Бу пайтгача, у собиқ «Сурхон» ширкат ҳўжалигида 7 йил касабаси уюшма кўмитасига раислик қилиб, одамлар билан ишлашнинг унча-мунча ҳадисини олиб улгурганди.

Бир замонлар Пулатнинг ота-боболари Жарқўрғонни обод қилишга катта хисса қўшган, насл-насабли, обрў-эътиборли одамлар эди. У давра кўрган, паст-баландни фарқлай оладиган йигитлар тоифасидан эканлиги, эҳтимол шу тубайлидир.

«Сурхон» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллардаги ўзбек, туркман, рус, қозок, украин ва бошқа миллат вакилларининг феъл-

нов ўз ҳисобидан 500 метрга газ қувури тортиб берди. Фермер Рўзбой Эшназаров эса, 1,5 километр йўлни асфалтлади. Исканар Элмуродов 250 қуватли электр трансформатори, 10-умумтаълим мактабига 300 донна шифер, 43-умумтаълим мактабига 50 донна ўқув нартаси олиб бериб, ҳамқишлоқларининг олқишига сазовор бўлди.

Дарвоқе, бу ерда тадбиркорлик ишлари ҳам кенг қулоқ ёйган. Хусусан, Пулат оқсоқолнинг қўллаб-қувватлаши натижасида фуқаро Азамат Чақонов Жарқўрғон «Миллий банки»дан 50 миллион сўм кредит олиб, макарон махсусотлари ишлаб чиқарадиган цехни ишга туширди. Натижада, ўндан

да. Ана шундай хонадонларда 64 тасига соғин сигир, 110 тасига 50 тадан товуқ ҳамда жўжа олиб берилди.

Оқсоқолнинг бевосита ташаббуси билан «Оиламни ардоқлайман», «Дуо қилинг, бизни кексалар!» «Ташрифинг кўтлуг бўлсин Наврўзим!», «Иболи келинчақ», «Сени қуйлайман, Ватаним!», «Қизлар гулдастаси», «Балли йигитлар» каби мавзуларда қизқарлик кечалар, тадбирлар ўтказиб одат тусига қириб бормоқда. Бундан ташқари, маҳалла ёшлари ўртасида спортнинг футбол, қўл тўйи, волейбол, кураш, таэквандо, каратэ, бокс, шахмат-шашка турлари бўйича мусобақалар ҳам ўтказилмоқда. Ғолиблар

ишонч ҳосил қилдикки, бу ерда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ҳам катта эътибор берилаётган экан. Норбоев ўз ода-тига қўра, ойига бир ёки икки марта хашар ўтказди.

Оқсоқолнинг бундай эзгу ишлари Сурхондарё вилоят ҳокимлигидаги йиғилишлардан бирида алоҳида эътироф этилди. Бу йигит ишнинг эплаганидан одамларнинг эътиборига тушди. Узи ёш бўлса-да, қўлга бош бўлди. Ана шундай тиниб-тинчиманган, гайрати ичига сиймайдиган, кўнглидаги ишни ақл билан рўёбга чиқараётган оқсоқол билан ишлаш кишига завқ-шавқ бағишлайди.

**Рустам ДАВЛАТ,**  
«Ishonch» мухбири

# Табиатни асраш озодаликдан бошланади

## ёхуд инсон соғлиғига зиён келтираётган экологик омиллар хусусида

Тасаввур қилинг, эрталаб ишга йўл олаётиб, кўча четида атроф манзарасини хунук кўрсатиб турган целлофан халтачалардаги чиқиндиларга кўзингиз тушади. Беихтиёр таъбингиз хира тортади. Икки қадам наридаги махсус чиқиндихонага боришга эринган кимсанинг қилигидан жаҳлингиз чиқади...

Афсуски, кундалик ҳаётда бунга ўхшаш манзарага кўп дуч келаямиз. Бунинг олдини олиш учун қандай чоралар кўриш лозим? Умуман, атроф-муҳитнинг захарланишига ўзимиз сабабчи бўлиб қолмаямизми? Айни шу масалада тиббиёт фанлари доктори, Халқаро экологик муаммолар, Инсон ва Табиат академиясининг академиги Оқилхон ИСХОҚОВ куйидагиларни гапириб берди:

— Агар биз кўхна Шарқ хонадонларининг турмуш тарзини таҳлил этсак борми, санитария-гигиена қоидаларини ўргатадиган чинакам до-рилфунунга дуч келамиз. Қаранг, бобо-буваларимиз ховли-жойларини тозалашдан аввал шакароб қилиб сув селишни, сўнг супургини сал ҳўллаб супуришни ўқтирганлар. Кундалик чиқиндиларни ховли четидаги ўрага ташлаб устидан тупроқ торганлар. Уларнинг куз пайтида хас-хашакларни тўплаб ёққанини эшитмаганмиз. Чунки хас-чўплар тутуни зарарли эканини қадимгилар яхши билишган. Чиндан ҳам хазонлар тутуни орқали захарли моддалар ҳавога учди ва атмосферани ифлослантирди. Шундай экан, уларни махсус жойларда зарарсизлантириш лозим. Чуқурга кўмиб компостлаш (яъни чиритиш) амалга оширилганда чиқинди ахлатлар бир йил давомида ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштириладиган минерал моддаларга айланади. Компостлашда ахлатларнинг ҳарорати кўтарилиб, қаттиқ иссиқ ҳароатида улардаги инсон соғлиғи учун хавфли микроорганизмлар ўз-ўзидан қирилиб кетади.



сонлар саноатлиги тобора ёмонлашаверади. Биргина Тошкент шаҳрида кундалик чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш учун 900 та чиқинди ташуви машиналари зарур бўлади. Амалда эса бундай юмушларга 580 та машина ажратилган. Унинг ҳам 365 таси ишлаб турибди. Шунингдек, маҳалларда ахлатларни солиш учун 20 мингта металл яшиқ(контейнер)лар керак, аммо амалда 4500 та ахлат идишлари мавжуд. Шунинг учун ҳам чиқиндилар бир неча кўнлаб қолиб кетмоқда, натижада, сув, ҳаво, тупроқ ифлосланаётган. Аянчлиси шундаки, ахлатхоналар атрофида пашша, суварак, сиқон ва каламушлар кўпайиб, турли юкумли касалликлар келиб чиқишига имкон яратмоқда.

Она Табиат — кўриқхона

лограмм азот оксиди, 200 килограмм ҳар хил бирикмага эга карбонсувларни

Демак, чиқинди ахлатларни ўй шароитида анча муддат кичик ўраларда сақлаб зарарсизлантирилгандан кейингина ундан ўғит сифатида фойдаланиш мумкин. Умуман, бизнинг иқлим шароитимизга кўра, чиқинди ахлат бир йил ичида экан майдонни учун зарур ўғитга айланади. Етилган компостнинг ранги жигарранг, ҳидсиз, пашшаларни ўзига жалб қилмайдиган, қумоқ-қумоқ бўлади. Чиқинди кўмиб сақланадиган махсус ўралар аҳоли яшаш жойларидан камида 600 метр узоқликда бўлиши лозим.

— Шаҳар маҳаллаларида эса ахлатлар кўпинча икки-уч кўнлаб туриб қолади, бунга нима дейсиз?

— Ўзбекистон бўйича ҳар йили ўн миллион тонна саноат чиқиндиси йиғилади. Улардан фақат 0,2 фоизи йўқ қилинади. Маиший чиқиндилар эса шу кунда ўн минг гектарча майдонни эгаллаб ётибди. Бу чиқиндиларни зарарсизлантириш борасида етарлича иш қилинмаётганини кўрсатади. Икки минг гектар жойни эгаллаган 160 дан зиёд чиқиндихоналарнинг 90 фоизи талаб даражасида эмас. Чиқиндилар йиғиб олинишида қатъий тартиб ўрнатилмагани боис экологик бузилишлар шунчалар кескин тус олдики, улар оқилона ҳал этилмаса, ин-

нади. Бунда ҳавонинг тиниклиги ҳам 25-30 фоизгача камаяди.

Катта кўчалар бўйлаб ғир-ғир қатнаётган транспорт воситаларидан чиқётган газ таркибида ис гази, азот оксиди, углеводородлар ва кўрғошин мавжуд. Масалан, битта автомобил ҳар йили атмосфера ҳавосидан 4 тонна оксигенни «ютиб», дудбўрони орқали 500 килограмм ис гази, карбонат ангидрид гази, 40 ки-

ҳога ажратиб чиқараркан. Олимларимизнинг аниқлашича, йирик шаҳарларда санитария-гигиена талаблари бузилгани туфайли аҳоли ўртасида бронхит астма, ўпка яллиғланиши, ринит, усма касалликлари ва аллергия даражаси кўпаймоқда. Яна шуни ҳам айтишим керакки, ҳавога тарқалган чанг зарралари биз учун фойдали ҳисобланган ультратявшин нурларнинг анчагина қисмини ўзига сингдириб, уларнинг ерга тушишига тўсқинлик қилади. Агар ён-атрофимизда биз учун бе-миннат хизмат кўрсатаётган «кислород фабрикаси» бўлмаганида борми, инсоният аллақачон муқаррар хавф гирдобига тушиб қоларди.

Ўсимликлар дунёси 20 минг хил турли кимёвий ва доривор моддалар манбаи дидир. Уларнинг барчаси атмосфера ҳавосини то-залаб беради.

ган «фильтр» вазифини ўтайди. Масалан, бир гектар жойдаги қарагай дарахтлари ҳаводаги карбонат ангидриднинг 100 фоизини, шунча жойдаги жука дарахти 250 фоизини, дуб 450 фоизини, теракзор 700 фоизини ўзига «шимиб» олиши аниқланган. Бир гектардаги қора қарагай шох-шаббалари йил давомида 32 тонна чангни ҳаводан «ушлаб» қоларкан. Қайрағоч экилган майдонларда 35 тонна, дуб ўсаётган жойда 54 тонна, қора қайинзорлар 68 тонна чангни ўзига ютади. Маълумки, бир туп дарахт 25 соат ичида ўртача уч кишига етадиган оксиген ажратиб беради. Бир гектар майдондаги дарахтзор эса кўшлли кунда 220-280 килограмм карбонат ангидрид газини «шимиб», 180-200 килограмм оксиген газини ажратади. Бизга шу қадар «муруват» кўрсатаётган яшиллик оламига қай тарзда мейр кўрсатаймиз?

Манбаларда келтирилишича, табиатга ахлоқан муносабатда бўлишнинг ўзига хос тартиб-қоидалари қадимги «Авесто» китобида ҳам қайд этилган. Ўша даврларда (бундан уч минг йил аввал) ерни ифлос қилган ва уни асраш қоидаларини бузган шахсларга 400 қамчи уриш жазоси белгиланган. Дарахт кўчати ўтқазиб, ерга уруғ қадаш, тупроққа ишлов бериш ишлари болаларга қатталар томонидан ўргатиб борилган. Улар сувни, тупроқ ва ўсимликлар оламини қуввату бароқат манбаи деб тушушганлар.

Табиатни асраш аслида ҳовли-жойларни озода сақлашдан бошланади. Уй атрофларидаги чиқинди ахлатлар ўз вақтида олиб кетилиши шарт, оқар суварга чиқинди ташлашга йўл қўйманг. Чунки ифлосланган суварда вабо вибриони, ошхона чиқиндиларида қорин тифи таёқчаси, уй супуридисиде паратиф кўзгатувчиси, ичбуруғ ва куйдирги таёқчалари, очқ сақланаётган ахлат уюмларида эса тўбөркулёз (сил) микроблари мавжуд. Табиатни тушунасак, уни эъзозласак, у ҳам бизга бағридан жой беради, ғайрат-шижоат ва саломатлик бахш этади. Танзимиз соғ бўлса, ақл қуввати ҳам бениҳоя ошади, ён-атрофимиздаги гўзалликдан завқланиб кўзларимиз, кўнглимиз қувонади, умримизга умр қўшилиди.

Сўхбатдош: Гўлчехра ЖАМИЛОВА

### «Ishonch» га жавоб берадилар

## «ЗУГУМ»

2009 йил 31 март, 39-сон

Мақола вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаро Н.Рўзиқуловнинг фойдасига Жиззах Давлат марказий ўрмон судхаллигидан 346032 сўм иш ҳақи, 400000 сўм маънавий зарар, 10432 сўм суд харажатлари, 100000 сўм адвокат харажати, 34603 сўм давлат божи ундириш ва уни иқтисодчи лавозимига ишга қўйиш мажбуриятини юқлатиш ҳақидаги ижро ҳужжатлари суд ижрочиларининг Жиззах шаҳар бўлимига 2008 йил 23 ва 28 август кунлари келиб тушган ва шу кунлари ижро иши кўзга тилиб, томонларга қабул қилинган қарор таништирилган.

Жавобгарга Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 82-моддаси ва ЖКнинг 232-моддаси талаблари тушунирилган.

Ижро ҳужжатлари ижроси фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг 2008 йил 3 сентябрдаги 1-789-09 сонли хатига асосан ўтган йилнинг 27 октябрга қадар тўхтатилган.

Суд ижрочиси томонидан 2008 йил 4 ноябр ва 12 декабр кунлари ижро ҳаракатлари олиб борилган. 22 декабр кун ижро ишининг Н. Рўзиқулова фойдасига иш ҳақи, маънавий зарар, суд ва адвокат харажатлари ҳамда давлат божи ундириш қисми ижроси тўлиқ таъминланган.

Суд ижрочиси томонидан 2009 йил 8 январ кун ижро давлат марказий ўрмон хўжалиги раҳбари С.Мурзоев суд қарорини ихтиёрий равишда ба-жармаганини учун жаримага тортилган.

Ижро ҳужжати Суд департаментининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилиб, «Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 71-моддаси тартибига биноан 2009 йил 15 январ кун судга қайтарилган.

Мазкур ижро ҳужжати фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро суди томонидан 2009 йил 18 февралда мажбурий ижро қилиш учун қайтарилган.

Суд ижрочилари томонидан жорий йилнинг 23 феврал, 4 март ва 1 апрел кунлари ижро ҳаракатлари олиб борилган.

Молия вазирлиги томонидан 2008 йил 1 июл кун тасдиқланган шатлар ҳақида Жиззах Давлат марказий ўрмон хўжалигида «Иқтисодчи» штат бирлиги йўқлиги сабабли Н.Рўзиқуловага Меҳнат Кодексининг 92-моддасига асосан бўш бўлган «назоратчи котиба» иш ўрни тақлиф қилинган.

Бирок Н. Рўзиқулова 2009 йил 7 апрел кун ижро ҳаракатлари давомида «назоратчи котиба» лавозимини рад этган.

Суд ижрочиси томонидан ижро иши «Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддаси 5-бандига асосан таъминланб, 2009 йил 8 апрел кун фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига қайтарилган.

Д.КУРБОНОВ,  
Жиззах вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси

### Орамиздаги одамлар

Бир инсон умри миллионлар орасида денгиздан томчи каби кўзга ташланмаслиги мумкин. Лекин бажарган ишлари, эришган натижалари билан ҳисоблашиб, кўнгли кўзгусидан ўтказадиган бўлсак, бу бутунлай ўзгача тус олади. Тальят ака Бобомуродов ана шундай хурматга лойиқ инсонлардан. У бир умр давлат ва халқ учун хизмат қилишни ўз бурчи деб билди. Аммо ҳаёт мураккаб, унинг ўқир-чўқирлари ҳам кўп.

Отаси, суянган тоғидан қорахат келганида Тальят ҳали кичкина бола эди. Айни ўйинча-қуладиган, тўйиб-тўйиб эркалик қиладиган, ўқиб билим олиши керак бўлган бир пайтда катталардек фикрлашга ва катталардек рўзгор ташвишларига шेरлик бўлди. Кунига гоҳ лойшувок, гоҳ мардикорликдан толган бир-икки чақасини кам қилмасдан келтириб онасига тутқазди.

Маълум муддат вилоят хўжалик суди (собиқ арбитраж) раҳбари бўлиб ишлади.

— Ўша йилларда иш ҳажми катта, судьялар сони озчиликни ташкил қиларди, — дейди Тальят ака ўтмиши эслаб. — Бор-йўғи етти нафар ҳакам йил давомида мингдан зиёд низоли ишларни кўришга мажбур эди. Суд жараёнига судьянинг кичкинагина иш кабинети-



## Мазмунга тўла умр

да ўтказилар, негаки махсус суд заллари ҳам йўқ эди. Ҳар бир судьяга ҳозиргидек котиб бўлмаган. Процессуал иш тайинлаш бўйича чиқарилган ажрим, қарорларни судьянинг ўзи ёзув машинасида қозғоғга туширарди.

Ҳалол меҳнат қилган киши ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди. Тальят Бобомуродов икки марта «Шавкатли меҳнат учун» медални, Республика Адлия вазирлигининг ҳамда Олий хўжалик судининг фахрий ёрлиқлари, кимматбаҳо совғалари билан мукофотланди.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берилди.

Т.Бобомуродов айни пайтда нафақада бўлишига қарамай, Ўзбекистон Судьялар ассоциациясининг Самарқанд филиали қошидаги фахрийларни қуватлаш «Нуроний» жамоа кенгаши раиси сифатида фаолият юритмоқда.

Бахтиёр ота турмуш ўртоғи Гўлчехра опа билан фарздонлар ва неваралар ардоғида.

Инсон умри мазмунли бўлгандагина унинг қадри шундай баланд бўлади.

Мухаббат РАВШАНОВА,  
журналист



### Натижа ўзгармади

Сайловда берилган овозларни қайта санаб чиқиш ҳам Молдова парламентидаги кўчлар нисбатини ўзгартирмади. Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Рената Лаптининг айтишича, янги маълумотлар илгаригисидан фойдани юздан бир қисми микдорда фарқ қилади.

«РИА-Новости»нинг хабар беришича, қайта санаб ўтказилгандан кейин ҳам сайловчиларнинг деярли 50 фоизи коммунистлар учун овоз берганлиги маълум бўлди. МСК сайловга оид аниқ маълумотларни 21 апрел кун эълон қилиши кутулаётти.

Аммо МСК котиби Юрие Чекан қайси сиёсий партияга парламентда қанча ўрин тегиши ҳозирдақ маълум эканини билдирди. Унга кўра коммунистлар 60, либераллар ва либерал-демократлар 15 тадан, «Бизнинг Молдова» альянси 11 ўринга эгалик қилади.

### Бир кунда дунёга танилди

18 апрел кун Тринидад ва Тобагода ўтказилган Америка мамлакатлари саммитида Венесуэла президенти Уго Чавес АҚШ президенти Барак Обамага уруғвайлик ёзувчи Эдуардо Галеанонинг «Лотин Америкаси венасининг очилиши» («Las Venas Abiertas de America Latina») китобини совға қилган эди. Эртаси кунёқ Галеанонинг инглиз тилига таржима қилинган ушбу китоби Amazon.com. интернет-дўконидеги энг харидорғир китоблар рўйхатида 734-ўриндан 2-ўринга қўтарилди.

1971 йили чоп этилган ушбу китобда конкистадорлардан тортиб глобал корпорацияларга Лотин Америкасини қай тарихка талаганлиги ҳақида хикоя қилинган.

Саммитда Чавес, шунингдек, АҚШ билан 2008 йил сентябр ойда узилган дипломатик алоқаларни тиклашга ваъда берди.

### Тунги тинтув оқибати

«Коммерсант» газетаси (Россия)нинг 20 апрел сониде ёзилишича, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди 9 апрелда пермлик адвокат Алексей Колесниченконинг шикоятини кўриб чиқди ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясини бузганлиги учун Россия зиммасига Колесниченкога 3000 евро то-вон пули тўлаш мажбуриятини юкледи.

Адвокатнинг уйда Свердлов туман суди судьясининг қарорига асосан 2004 йил 12 феврал кун кечаси соат 22 дан 13 феврал кун тонги 4 ларгача тинтув ўтказилган эди. Шундан сўнг тинтув А.Колесниченконинг вафот этган ота-онанин уйда ҳам ўтказилган.

Адвокатнинг тунда тинтув ўтказилганиги ҳақида Свердлов туман ва Перм вилоят судларига қилган шикоятлари қондирилмаган.

### Жиноятчи Кубага учмоқчи

19 апрел кун кечқурун Ямайкада қуролланган жиноятчи Канаданинг «Боинг» йўловчи самолётини гаровга олган эди. Шундан сўнг у беш нафар экипаж аъзосидан ташқари барча йўловчиларни кўйиб юборган. Ямайка ахборот вазири Дэрил Вазнинг CNN телеканалига маълум қилишича, жиноятчи Кубага учини талаб этаётти.

«CanJet» авиакомпанияси тарқатган хабарга кўра самолётда қолган экипаж аъзоларидан ҳеч қайсиси жабрланмаган, лайднерга ҳеч қандай шикаст етказилмаган.

Тахмин қилинишича, йўловчи самолётга чиқарилаётган вақтда жиноятчи шахсини тасдиқловчи сохта ҳужжатдан фойдаланиб салонга кириб олган.

### Қайси компания бош ҳамкор бўлади?

2014 йили киши олимпиада ўйинлари Россиянинг Сочи шаҳрида ўтказилади. Шу боис «Сочи-2014» ташкилий қўмитаси ақинда олимпиада иштирокчилари ва меҳмонларини автотранспорт билан таъминлаш бўйича махсус гуруҳ тўзди. Унга Россиянинг «ГАЗ» ва «АвтоВАЗ», хоржидан эса «Volkswagen», «BMW», «Toyota» ва «Volvo» компаниялари вакиллари тақлиф этилди.

«Ведомости» нашрининг ёзишича, тақлиф этилганларнинг аксарияти ташкилотчилар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканликларини билдирган, аммо расмий жавобини сал кейинроқ беришади.

Ташкилий қўмита бош директори Дмитрий Чернишенконинг гапига қараганда олимпиада ўйинлари бош ҳамкори билан тузиладиган шартнома қиймати камида 100 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, ушбу маблагнинг бир қисмини пул билан, бир қисмини эса махсулот ва хизматлар кўринишида киритиш зарур.

Бош ҳамкор бўладиган автомобил компанияси ташкилий қўмитага 3000 та машинани 2016 йилгача, 1000 та автомобилни эса олимпиада ўтказиладиган вақтга етказиб бериши керак.

Интернет хабарлари асосида Хасан НИШОНОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охириги обод бўлсин!

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ҳодимлари касбаба уюшмаси Марказий кенгаши Соғлиқни сақлаш вазирлигининг иқтисодиёт ва молиялаштириш Бош Бошқармаси бош мутахассиси

Лариса ЮСИНИНГ

вафот этганиги муносабати билан унинг оила аъзолари ҳамда ақинларига чуқур таъзия изҳор этади.



Хикмат излаганга хикматаир дунё

Хасан ПАЙДО фотолархалари

Орамиздаги одамлар

Кайковус қаламига мансуб «Қобуснома» асариди «Хайвонот жумласининг яхшироғи отдур. Уни азиз тутмоқ ҳам мурувватдандур. Отни ва либосни яхши тутғил, токи от ва либос ҳам сени яхши тутғил», деб таъкидланади. Отлар зоти ҳақида тўхталиб буйни узун, хушбичим тўриқ ва хурмо рангдаги отлар хосиятли бўлиши маълум қилинади. Дарҳақиқат, отлар онгли жониворлардир: меҳрибон, чопқир, мағрур ва заҳматкаш. Вафдорлик борасида ҳам ибрат бўлгулик. Кўпни кўрган кексалар: «Буйни узун, бели қисқа топилмайди, буйни қисқа, бели узун чопилмайди», деб бежиз айтишмаган.

Ривоят қилишларича, қадимда бир подшо қарамоғиди отларга баҳо бериш учун эл оғзига тушган отбоқарни ҳузурга чақиртирибди. Синчил отбоқар жониворларга назар ташларкан, чўбир отнинг кўзи гилай эканлиги, кўнғир от но-текис йўлларда кўп ҳам чоп олмаслиги, саманининг тўёқлари оқ бўлганлигидан кенувда оқсаб қолиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирибди. Шунда подшо газаб отига миниб, мулозимларига унинг икки кўзини ўйиб олиб, зиндонга ташлашни буюрибди. Сайислар эса подшонинг кўрсатмаси билан отларни ертўпаларда парваришласлабди.

Орадан бир неча мuddат ўтгач, боқувдаги отларни ҳалиги отбоқарга рўпара қилишибди. Шунда у кўнғир отнинг қулоғидан қўруғига пайпаслаб чиқаркан, бармоқлари соврисига ботиб: «Отнинг шу жойига қўйиб тегибди. Боқувда бўлгани бефойда кетибди», деб жавоб қилибди. Қолган отлардан ҳам унинг кўнгли тўлмабди. Лекин подшо отларини отбоқарнинг турғи билан ким ўзарга пойгага чорлабди.

Бундан хабар топган ишқибозлар тепаликдаги беткайларга чиқиб, томошани интиқлик билан кутишибди. Бир зумда отлар тўғининг дупур-дупури ва қишанши атрофини тугиб кетибди. Айни пойга авжиди кўнғир от тик қиялларга келгач, югуриши секинлашибди. Самани тошлов ва заранг ерларда тўёқлари шикастланиб оқсай бошлабди. Чўбирнинг эса кўзлари қўшдан шафқлиниб, анча ортда қолиб кетибди. Қиссадан ҳисса, отбоқарнинг турғи маррага биринчи бўлиб етиб келибди.

Подшо нуқулай ахволга тушиб, саройиди ҳазинанинг ярмини унга беришга буюрибди. Отбоқар Абдуҳолик учун ҳам пойга ва улоқ-кўпқари ҳамслари ҳамда аргумоқларга ҳамроҳлик олаётгани айланган. Ун олти яшарлигидан от парвариши билан машғул эмасми, уларнинг ҳавас қилса арзғулик фелъ-атвори-ни санаб адоғига етолмайди. ...Қорабайрининг сийнаси,

манглайи кенг, қулоқлари узун, қуйруғи қаттиқ бўлиб, кўринишдан оғвош эди. Танаси ёрқин оғтоб нурларидан ялтираб кетар, пойгаларда кўндалай учиб, улоқни олиш чоғида чўққалаб, чавандозни кўллаб-қуватлаб юборарди.

Мана бу ҳолатни у ҳеч ёдидан чиқармайди.

Улоқ-кўпқариларнинг бирида чавандознинг илғоқлари



отлар гавдасига урилавериб, кўп туртки ейди. Охири йиқилиб, оёғи узангиди қолиб кетади. Шунда қорабайир четга чиқиб эгар узангисини чайнаб узади ва худди ўзи айбдордек чавандозга мунгайиб қараб туради. ... Абдуҳолик дастлаб тангалар солинган тугунгани отда энгашиб ердан олишни машқ қилди. Орадан ҳеч вақт ўтмай, анча танилиб қолган полвонлар билан тенгма-тенг беллашиб, улоқ оёғидан тугган захоти силтаб олиб қўяверди. Ҳар гал майдонга тушганида томошабинларнинг қийқириғи қайфитини кўтариб юборар, ўзини қўшдек энгил хис этарди. Аргумоғи эса тўда ичкарисига кириб борган сайин урилиб-суринмасдан олдинга илдам ҳаракатланишни одат қилганди. Бора-бора Абдуҳолик кучнинг ўзигагина кифоя қилмаслиги, улоқ чопиш ҳадисини ҳам эггаллаш, хусусан, улоқни тақимга олгач, тўдадан тезроқ чиқиб кетиш лозимлигини ҳам тушуниб етди.

...Баҳор кўнларининг бирида эндигина атак-чечак қилишга ўрганган-уч яшар болақай ярқилмида турган от олдига бориб қолади ва думини тортиқлай бошлайди. Кейин йиқилиб-суриниб жониворнинг оёғига суньямоқчи бўлганида ҳам аргумоқ болақайни авайлаб жойидан жилмайди. Улоқдан кўзи тушиб қолган отдан бо-

қар худди улови хурқиб бирор қор-қол юз берадигандек юрагини ҳовулаб турарди. Болақайга ҳеч қандай шикаст етказмайди. Хавотирга ўрин йўқ. Шунда беҳиётдан бундан бешолти йил илғар ўттиз чоғли бияларни чўлдан ҳайдаб келатиб, йўлда бир қария билан учрашиб қолгани ёдига тушади. Отаҳон ўшанда биялар ичидан қашқа жийронни танлаб «Сен ана шундан ажралма, ўғлим», деган эди.

Умрининг кўп қисмини йилки парваришига сарфлаган отаҳон ҳақ гапни айтган экан. Қашқа жийрон кечалари ёлдан ўт чақнагандай товланар, олдига яқинлашган бегоналарнинг қириғини олдиндан ҳис этиб турар ва хавф-хатарни сезгудек бўлса, қулоқларини чимириб депинаверарди.

Орадан бир йил ўтиб, мўъжиза рўй берди. Жийрон қашқа ана шу қорабайирни дунёга келтирди. Ушанда бир сутка жойидан тура олмаганиди. Умровини кўтаргандан кейин-

гина қаддини ростлаганди. Отбоқар йиллар ўтиб ундан кўплаб зурриёт олишга муваффақ бўлди. Қўшни вилотлардан ҳам отбоқарлар Абдуҳолик амакини хурматлаб бу ерга тез-тез келиб туришгани ҳам бежиз эмас.

Киш кўнларининг бирида Абдуҳолик амаки Қорабайир билан улоқ-кўпқаридан қайтганида шамол кучайгандан кучаяр, бу эса бўрон бошланишидан дарак беради. Аргумоғи нуқулай об-ҳаво шароитида қалин қорда саккиз чакримлик масофани босиб ўтиши керак эди. Абдуҳолик амаки жиловни бушатиб уловини ўз иктиёрига қўяди. Зийрак ва ақли жонивор олд томонидан қўюн эсишига қарамай, тун зулматиди пиширганича манглайини ерга тираб ҳовлини топиб келганди.

Фаллаорол тумани «Фаллаорол» наслчилик агрофирмасида сал кам қирқ йил отбоқарлик қилган Абдуҳолик Абдусатторов ўтган асрнинг оғмишини йилларида Москва шаҳрида бўлган жаҳон от бозори ярмаркасида иштирок этиб, ҳам чопқир, ҳам кучли насли отларни чаптириб етиштирилгани учун кумуш медал билан тақдирланди. Ироқ, АҚШ ва Финляндия мамлакатларидан катнашган мутахассислар унинг ярмаркага олиб келган насли отларига ҳаридор бўлишди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Абдуҳолик Абдусатторовнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари муносиб тақдирланди. Республика йилкичилик илмий-тектириш институтининг бир неча марта фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Хўжалик қасаба уюшмаси қўмитаси томонидан бир неча марта рағбатлантирилди.

«Лалмикор» маҳалласи аҳли Абдусатторовлар оиласини урчишиб ибрат деб билади. Дарвоқе, Абдуҳолик ота турмуш ўртоғи Момоҳол ая билан кесалик гапни суриб, фаровон ҳаёт кечирапти. Уларнинг тўққиз нафар фарзанди, 60 дан зиёд невар ва чеваралари бор.

Ахил ва инлоқ оила томонидан ташкил этилган «Жалолиддин ота» кичик фермер хўжалиғи бир неча йилдан бери фаолият кўрсатиб келяпти. Мавжуд 85 гектар лалми галла майдонидан ўтган йили 25 центнердан ҳосил олинганди. Бугун даладаги майсалар янада баравраж. Бу эса катта оиланинг яхши ҳаёт тарзини белгилайди, албатта.

Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти

15 — 18-апрел кунлари пойтахти-миздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бўлиб ўтган эркин ва юнон-рум кураши бўйича Халқаро спорт курашлари федерацияси — FILAнинг «Олтин гран-при» туркумига кирувчи «Ўзбекистон мустақиллиги кубоғи» халқаро турнирида бир қатор полвонларимиз муваффақиятли иштирок этишди.

Жаҳон нигоҳи Ўзбекистонда

Тошкентдаги турнирда Россия, Туркия, Қозоғистон, Озарбайжон, Украина, Япония, Мароқаш, Эрон, Тожикистон, Грузия, Қирғизистон, Туркменистон, Беларусдан энг сара курашчилар ташриф буюрди.


Дастлабки икки кун бойида юнон-рум кураши бўйича голиблар аниқланди.

55 кг. вазн тоифасида ўзбек полвонлари тенгсиз эканликларини яна бир бор намойиш этди. Буни финалга ҳамюртларимиз Элдор Ҳафизов ва Санжар Жумашевнинг чиққанлиги ҳам кўрсатиб турибди. Қизқарли баҳсда Элдор муваффақиятга эришди. Шиддати билан мухлислар олқишига сазовор бўлган яна бир ҳамюртимиз Акбар Қўзиев эса бешинчи поғонадан жой олди.

60 кг.да озар полвони Сақит Жалилов қозоғистонлик Марат Қаришловни енгиб, турнирнинг олтин медалини қўлга киритди. 66 кг. вазн тоифасида эса қозоқ қардошларимиз устунликларини намойиш этишди. Бебит Ниғмон олтин медалга эришган бўлса, Айбек Йенсекханов ва Асхат Дилмухамбетов бронза медални соҳиби бўлди.

74 кг. вазн тоифасида юртимиз полвонлари мухлисларни хушнуд этишди. Жаҳонғир Мўминов олтин, Азизбек Муродов кумуш, Шмага Гулшавили бронза медалига эришган бўлса, Рустам Султонов бешинчи ўриндан жой олди.

84 кг. да голиблик туркиялик Юнус Эмре Комлекўрлуга насиб этган бўлса, ҳамюртимиз Владимир Гегешидзе кумуш медал соҳиби бўлди.



96 кг. вазн тоифасидаги баҳслар ёш курашчиларимиз Шерзод Ургучев ва Артур Бердимуродов учун тажриба мактаби бўлди. Голиблик россиялик Евгений Анкасовга насиб этди.

120 кг. да қозоқ курашчиси Нурмахан Тиналиев олтин, тожикистонлик Муроджон Тўйчиев кумуш, ҳамюртимиз Сухбат Ҳўжаев ва туркиялик Эмин Узтүрк бронза медалларига сазовор бўлди.

Эркин кураш беллашуварларида 55 кг. да россиялик Ашот Тертерян шохсупанинг энг юқорисидан ўрин эгаллади. У финалда япониялик Яширо Инабага қарши тўғри тактика қўллаб, «Ўзбекистон мустақиллиги кубоғи» турнирининг олтин медалини қўлга киритди.

60 кг. вазн тоифасида бу муваффақиятга ҳамюртимиз Дилшод Мансуров ҳам эришиши мумкин эди. Бироқ финалда украиналик Евгений Халилов голиб чиқди.

66 кг. да гиламга чиққан ҳамюртларимиз Алишоҳ Воҳидов ва Иштиёр Наврўзов рақибларидан яқоқ устунлик қилиб, ишқибозларнинг олқишига сазовор бўлди. Уларнинг ҳар иккиси ҳисобимизга бронза медалини тақдим этишди. Грузин алли Коба Какаладзе шохсупанинг энг юқорисидан жой олди.

74 кг. вазн тоифаси шохсупасидан Магомед Зубаиров (Россия), Эндер Коскун (Туркия), Хироки Каямор (Япония), Сафиддин Османов (Қозоғистон) ўрин эгаллади. 84 кг. вазнда Пекин олимпиадаси кумуш медални совриндори, ҳамюртимиз Сослан Тигиев бронза медалини олишга эришди. Эронлик Эҳсон Лашқарийнинг кўксини олтин медал беади.

96 кг. вазн тоифаси ниҳоят ўзбек ишқибозларига ҳам эркин кураш бўйича олтин медал завқини туйиш имконини берди. Қурбон Қурбоновнинг қозоғистонлик Даулет Шабанбай устидан қозонган галабаси эвазига мадҳиями эйгради. 120 кг. вазн тоифасида жаҳоннинг тенгсиз курашчиси деб топилган икки қарра олимпиада чемпиони Артур Таймазовнинг турнирда катнашгани қолган полвонларга голиблик учун курашиш имконини берди. Энг оғир вазнда россиялик Билал Машов грузиялик алл Алекс Модебадзега енгиб, олтин медалга эришган бўлса, эронлик Монғаз Хошимий ва қозоғистонлик Таймуроз Тигиев бронза медални тақдирланди.

Голиб ва совриндорларга медаллар билан бирга диплом, пул мукофоти ҳамда зарбфот тўнлар топширилди. Ўтган йили юртимизда эркин ва юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпионати ўтказилганди. Мана, яна бир нуфузли турнир ниҳосига етди.

FILA президенти Рафаэл Мартинетти халқаро турнирни юқори савияда ташкил этгани учун Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясига, Маданият ва спорт ишлари вазирлиғига миннатдорчилик билдирар экан, бундан бунён ҳам ўзбек дийрида йирик спорт ашжуманлари — жаҳон ва қитъа чемпионати ва олимпиада саралаш турнири ўтказиш режалаштирилагганини айтиб ўтди.

Мусобақа давомида айрим иштирокчиларнинг ҳам фикрларини ёзиб олдик.

Иштиёр Наврўзов, турнир голибларидан бири: — Ростини айтсам, турнирда жаҳон ва олимпиада чемпионлари иштирок этаётгани бос совриндор бўламан деб ўйламагандим. Ишқибозларнинг қўллаб-қуватлаши натижа-сида омаддан келиб қучли рақибларни мағлуб этдим. Мусобақа август ойида Туркияда ўтадиган ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилиги ҳамда сентябрда Данияда ўтадиган жаҳон чемпионати олдиндан тайёргарлик босқичларидан бири бўлди.

Амин Иброҳимов, Самарқанд вилоят эркин ва юнон-рум кураши федерацияси вице-президенти: — Халқаро турнирда Самарқанд кураш мактабидан етишиб чиққан олтига полвон катнашди. Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлари мусобақада тажрибалилар билан бирга асосан ёшларни синовдан ўтказишди.

Биз яқинда Самарқандда ўсмирлар ўртасида биринчилик ўтказиб, голибларни беш нафар мураббий билан пойтахтга олиб келдик. Улар турнирни бевосита кузатиб, тажриба оширишди. Жаҳоннинг энг кучли курашчилари маҳорати бизда катта таассурот қолдирди. Бауржон Нурмаханов, эркин кураш бўйича Қозоғистон терма жамоаси мураббийи: — Россия, Ўзбекистон, Туркия, Япония, Эрон, Грузия полвонлари орасида олимпиада совриндорлари кўп. Бу эса ҳар бир вазн тоифасида курашни кескинлаштирди. Шунинг учун юртимиз курашчилари кумуш ва бронза медаллари билан кифояланишга мажбур бўлди. Турнир аъло даражада ўтди. Медалонларга миннатдорчилик билдираимиз.

Ақмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

«Менинг айбим йўқ»

Мен прокуратураданман, дейсизми? Тинчликми? Мени қидириб юрибсиз? Нима айб қилибман? Халол одам эканлигини айтишмадими? Яқин кунларда қандай қинғир иш қилганлигимни ўзимам билмайман. Мени авф этгайсиз...

Тўхтанг, тўхтанг. Энди эсимга тушди. Иккита бола бир-бири билан жикқамушт бўлганда уларни ажратиб қўйганлигини сизга кимдир етказганга ўхшайди. Йўқ, йўқ, унда менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ. Бригадир ёрдамчиси бўла туриб, уларни мен ажратмасам, бу ишга ким қўл уради? Ўзимиз қишлоқда униб-ўсган бўлсак ҳам, айрим нарсаларга ақлимиз етди. Яъни, демокчманки, раҳбарнинг каттаю кичиги бўлмайди. Мана шу нуқтаи назардан олсак, менинг ҳеч қандай айбим йўқ.

Балки мени куч ишлатди, деб эътишгандир. Қилган айбимни буйинимга оламан, айбини буйинга олмай юридиган номардлардан эмасман. Назаримда, бўлган воқеанинг тафсилотидан беҳабарга ўхшайсиз.

Мен сизга айтсам, «урган» деб ёзиб берган боланинг отаси кутубхона мудури бўлиб ишлайди. Мудир бўлса бўлаверсин. Муттаҳамлик қилиб қўйган жойим йўқ. Урсам ҳам бор-йўғи икки тарсаки туширдим. Иккинчи мартаба бирор бола билан уришмайди энди. Тавбасига таянтирдим...

Ушбу жанжалнинг ўзи бўлмағур нарсанинг устидан келиб чиққан. Мудирнинг ўғли ташқарига чиқётган пайтида акамнинг ўғли унинг қўлидан тўпни тортиб олмоқчи бўлган. У эса тўпни бермаган. Ўзи бир тўп бўлди уни ҳам қизганиб, уйнашга бермасе, ҳар кимнинг ҳам жаҳли чиқади-да!

Қолаверса, акамнинг ўғли тўпни унинг ўзи билан ўйнамоқчи экан. Биз ҳалигача тўпни бир киши ўйнаганини эшитганимиз йўқ. Қизганчилик эса яхшиликка олиб бормади. Бундайларнинг тарбиялашда ҳаммамнинг катнашиши зарур, деб биламиз. Йўлдан адашган одамларнинг эсини киритиб қўйиш ҳар бир қишқинг фуқаролик бурчидир. Мен ҳам фақат ўз бурчимни адо этдим. Бу ерда менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ.

Тўхтанг, ука, сиз менинг бошқа ишимни текширишга келгансизми? Унда бироз кутинг, мен бир ўйлаб қўрай... Анамурод ЖУМАҚУЛИЕВ

Анамурод ЖУМАҚУЛИЕВ

Advertisement for Muassis, O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi, Bosh muharrir: Abdoliq Abdurazzoqov, Tahrir hay'ati: Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV, Jahongir SHAROFBOYEV, Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AIAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirmqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV, Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti, Huquq va xalqaro hayot, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash, Reklama va e'lonlar, Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy, E-mail: ishonch-doverie@mail.ru, Nashr ko'rsatkichi: 133, Navbatchi muharrir: A.Qodirova, N.Maxamov, Musahhili: S.Shodiyeva, Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi, Sahifalovchi: H.Abdullajilov, «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi, Korxonasi manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy, O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan, Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi, Hajmi 2 bosma taboq, Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi, So'xtvda erkin narxda, «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart, Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin, Tjorat materiallari, Bosishga topshiriш вақти - 21.00, Topshirildi - 21.45, Буюртма Г — 314, 18600 nusxada bosildi, ISSN 2010-5002, 2 5 6